

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида «Партиявий тизимни ривожлантириш ва сайлов ташвиқоти давомида сиёсий реклама ҳамда PR технологиялардан унумли фойдаланиш» мавзусида ташкил этилган семинарда ҳам айнан ана шу масала урғу берилди.

Алоҳида қайд этилдики, бугунги кунга келиб мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини кафолатлаш, сайлов қонунчилигини халқаро андозалар асосида босқичма-босқич такомиллаштириш ҳамда сайловларни жаҳонда умумэтироф этилган демократик принциплар асосида ўтказишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Бу сиёсий партияларга ва улар депутатликка кўрсатадиган номзодларга сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини ўтказишда тенг имкониятларни ҳамда сайловнинг очик

туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди. Мазкур қонунда сайловолди ташвиқоти тушунчаси очиб берилди. Сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият сифатида таърифланди. Шунингдек, сайлов кунга ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқоти



Санжар ШОҲИДАНОВ олган суратлар.

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ Жамиятдаги етакчи куч

ЎзХДП ташаббуси билан ўтказилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлуги давом этмоқда

Тасаввур қилайлик, оила бекаси сиёсий-ҳуқуқий билимга эга, жамиятнинг ижтимоий фаол аъзоларидан. У нафақат хонадонда, балки оstonасидан ташқарида, яъни жаҳонда, ҳудудда, умуман олганда, бутун жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади, уларни таҳлил этиб, бемалол ўз эркин фикрини айта олади.

Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланган тадбирлар таъсирчанлиги ва изчиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келяпти. Хусусан, партия Дастури ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, сайловолди тарғиботини самарали ташкил этиш ва сайлов жараёнларида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 20 августидан 20 сентябргача барча ҳудудларда «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлуги» ўтказилмоқда. Ойлик доирасида Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда жойларда оммавий-сиёсий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари, ўқувлар ташкил этилапти. Уларда хотин-қизлар ўртасида партия дастурий мақсадлари тушунирилиб, сиёсий партиялар, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, уларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар мазмун-моҳияти, депутатликка номзод бўладиган аёллар билан ишлаш, уларнинг ишончли вакиллари, қузатувчи ва ваколатли вакиллари тайёрлаш масалалари муҳокама этилмоқда.

Хўш, ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирлар, уларнинг амалий натижаси қандай бўлаёпти?




Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Партиямиз Сайловолди Дастурида хотин-қизларнинг оилада ва жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш борасида қатор вазифалар белгиланган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш учун аниқ режа асосида иш олиб борилаёпти. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлуги» доирасида жойларда «Сиёсий билим элу-юрт тақдирга дахлдорликка ундайди», «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги — миллат келажигини белгилайди», «Фаол аёл юртинг қудратини мустаҳкамлайди», «Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг




ўрни», «Хотин-қизларнинг жамиятини янада демократлаштириш жараёнидаги иштироки», «Сайлов жараёнини ташкил этиш ва сайловолди ташвиқотини олиб боришда «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ва аъзоларининг ўрни» мавзуларида семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилаёпти. Аҳамиятли жиҳати, мазкур йўналишдаги тадбирларда хотин-қизлар катта қизиқиш билан иштирок этиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётгани.



Феруза НИШОНОВА, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси:

— Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган тадбирларни кўпроқ маҳаллаларда ташкил этишга эътибор қаратаёلمиз. Мисол учун, ақинда ойлик доирасида Олтириқ туманида «Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этдик. Унда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ислохотларга дахлдорлик туйғулари кучайтириш масалаларида фикр алмашиш, аёлларнинг мулоҳазаларини эшитдик. Барча тадбирларимизда умумэтироф этилган илгор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз. Негаки, бу орқали тадбир таъсирчанлиги ортади, фаолиятимизга қизиқиш кучаяди.



Гулчехра АЗИЗОВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш шўбаси мудири:

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга ошириладигани ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлуги» доирасида ўтказилаётган тадбирларда аввало, мана шу ишларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айнакча, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор бераёلمиз. Қолаверса, учрашувларда аёлларни ўйлантираётган масалалар хусусида фикр алмашиш, муаммолар ечимини бўйича ҳаётий тақлифлар тайёрланаёпти.

Лазиза ШОМИЛОВА

Сайловолди кампанияси сиёсий партиялар учун энг масъулиятли жараён

ва ошқора ўтишини таъминлаш учун катта шароит яратди. **Дилбар ХОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:** — Демократик сайлов тизими орқали фуқаролар ўзи муносиб деб тоган шахсларни давлат ҳокимиятининг вакили органларига сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради ҳамда шу орқали давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этади. Шунинг учун мамлакатимизда демократик принципларга асосланган сайлов тизимини шакллантириш, бу борада қонунчиликни тобора ривожлантириб боришга жиддий эътибор қаратиб келинади. Айниқса, Президентимиз томонидан илгартирилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида сайлов тизими эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Концепцияда белгилаб берилган ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят,

йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу норма сайловчиларга ўз нуктаи назарларини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким ва қайси сиёсий партия учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишлари йўлида қўшимча вақт бериш имкониятини яратди. Шунингдек, бу норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қонрабузарликларнинг юз бериш эҳтимолини ҳам бартараф этади. Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, сиёсий партия дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборот, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотнинг унинг учун овоз беришга даъват қилган ҳолда тарқатиш сайловолди ташвиқот турлари сифатида акс эттирилди. Ҳафиза КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Сайловлар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлайдиган муҳим демократик институтдир. Шунингдек, сайловлар халқ иродасига

суянган кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Айтиш жоизки, жорий йилда мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлди. Масалан, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун орқали бир қатор қонун ҳужжатлари, хусусан, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун, Бюджет кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларга асосан сайлов қонунчилигини бузганлик учун жазолиқ жавобгарлик чоралари белгиланди. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошқоралик, адолатлик Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди. Сайловолди кампаниясини молиялаштириш фақат давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши ҳақидаги меъёр янада мустаҳкамлангани ҳар бир сиёсий партия, депутатликка номзодларга тенг шароит яратиш, ҳалол рақобат му-

ҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга. **Гулбахор ИСАНОВА, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети катта ўқитувчиси:** — Таъкидлаш жоизки, сайлов пайтида сиёсий рекламанинг аҳамияти тобора ортиб боради. Улардан бири депутатликка номзод билан фуқаролар мулоқотини кенгайтириш, улар ўртасида янги муносабатларни қарор топтиришдан иборат. Биламиқки, сайловлар жараёнида номзодлар сайловчилар билан учрашади. Ҳар бир фуқаролик мулоқотида сайлов тўғрисидаги билими ва тажрибаси оширилади, шунингдек, сайловолди ташвиқоти олиб борилади. Сиёсий реклама ана шу мулоқотнинг таъсирчан воситаларидан бири сифатида кенг қўлланилади. У сайловолди жараёнларини янада кучайтиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади. Сиёсий реклама кўпроқ жонли олиб борилиши билан аҳамияти ҳисобланади. Чунки айнан сайловчилар билан мулоқот давомида депутатликка номзодлар уларнинг саволларига партия мафқураси ва ўз дастурларидан келиб чиқиб жавоб беришади. Бу эса сиёсий реклама олдига янги шартларни ҳам қўяди.

Масалан, сиёсий рекламани олиб бориш жараёнида бундан олдинги сайлов ва унинг ҳулосаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Шунингдек, семинарда ахборот-мафқуравий ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича барча бўғиндаги партия тузилмалари томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, гоёвий таъминланганига эришиш усуллари бўйича ўқувлар ўтказишга эътибор қаратилди. Алоҳида қайд этилдики, ҳудудий партия ташкилотлари томонидан жойларда сайловчилар билан бўладиган учрашувларда тарғибот ишларининг самарадорлигини оширишда уларда кўпроқ интерактив ва сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш зарур. **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети катта ўқитувчиси Абдулла Абдухалилов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини раҳбари ўринбосари Рустам Саидов, сиёсий фанлар номзоди, доцент Хайрулла Умаров** ҳам кун тартибидеги масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир сўнггида ЎзХДП барча ташкилотларнинг долзарб вазифалари ва уларни бажариши йўлини хусусида тегишли тавсиялар берилди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Давоми. Бошланиш 1-бетда.


Мақсадга эришиш учун фаол ва ташаббускор бўлишимиз талаб этилади

катимиз тарихига улкан бунёдкорликлар, янгиланишлар йилги сифатида муҳрланмоқда, — дейди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Акмал Асадов**. — Айниқса, кейинги 5 йилга назар ташласак, бу даврда мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, демократик жамият барпо этиш йўлида кўплаб амалий ишлар қилинди. Бу жараёнда сиёсий партияларнинг рол ва ўрни тобора ошиб бораётгани аҳамиятлидир. Бунга хайрихоҳларимиз сафи ортиб бораётганидан ҳам англашимиз мумкин. Бугун вилоятда 17 минг нафардан ортиқ партия аъзоси бор. Ҳозир улар 439 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 14 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 119 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Партия гуруҳлари ташаббуси билан ўтган йиллар давомида кўплаб муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар сессияларда муҳокама этилди. Шунингдек, депутатлик нозорати ва сўровлари орқали турли муаммолар ҳал қилинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан 60 га яқин масала ўрганилган бўлиб, уларнинг 52 таси доимий комиссиялар йиғилишларида, 14 таси эса сессияларда кўриб чиқилди. Навоий вилоят партия кенгаши ҳузурда 11 Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ҳисобот даврида уларга фуқаролар томонидан 1342 марта мурожаат бўлиб, уларнинг 87 фоизи учун янада фаол бўлишни даврнинг ўзи такозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир депутат ўз олдига қўйилган талабларни чуқур англаши ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

ташлик сўровлари юборилди. Шунингдек, партия аъзоларининг сиёсий саводхонлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2009-2014 йилларда ҳудудий кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш бўйича жойларда кўплаб ўқув-семинарлар ташкил этилди. Вилоятдаги намунали партия кенгашларидан иш ўрганиш, илгор тажрибаларни омалаштириш мақсадида ЎзХДП Зарафшон ва Навоий шаҳар кенгашларига ҳудудий таянч кенгаши мақоми берилди. — Бугунги куннинг ўзи сиёсий партиялар олдига бир қатор масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғоева**. — Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар зиммасида катта вазифалар турибди. Уларнинг ишини янада жонлантиришга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим. Сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда қуруқ сўзлар билан эмас, амалий ишлар билангина кўзланган мақсадга эриша оламиз. Очигини тан олиш керак, вилоятнинг айрим чекка ҳудудларида аҳолини ўйлантираётган масалалар йўқ эмас. Мавжуд муаммолар ечимини топиш учун партия гуруҳлари ҚВП ҳамда МФЙлар билан ҳамкорликни янада кучайтириши керак. — Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, янги иш ўринлари яратиш, касб-хўнар коллежалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш бўйича муайян ишлар қилинди, — дейди **халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши-**


даги партия гуруҳи раҳбари **Тошнўз Боймуродов**. — Партиямиз ташаббуси билан Нурота, Қонимех ва Томди каби олис туманларда тижорат банклар ва «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамкорлигида тадбирлар ўтказилди. Натижада 110 нафар коллеж битирувчисига ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёбий кредитлар ажратилишига кўмаклашилди. Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида эса 200 нафардан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунингдек, депутатлик сўровлари орқали йўлларни таъмирлаш, кўприклар қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш билан боғлиқ қатор масалалар ҳал этилди. Бирок, халқ депутатлари Нурота, Навбахор, Қармана ва Учқудук туман Кенгашларидаги партия гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини янада жонлантириш талаб этилади. **Конференцияда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов, Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги раҳбари, партия фаоли Раъно Валиева ва бошқалар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.** Конференция доирасида бўлиб ўтган ташкилий пленумда **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси этиб Акмал Асадов** қайта сайланди. Партия фаоллари, депутатлар партиянинг янги Сайловолди дастури лойиҳасини кўриб чиқиди. Иш ўринлари ташкил этиш ва уларнинг барқарорлигини сақлаш масалаларида тақлифлар берилди.

Илхом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Феруза НИШОНОВА, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси:

— Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган тадбирларни кўпроқ маҳаллаларда ташкил этишга эътибор қаратаёلمиз. Мисол учун, ақинда ойлик доирасида Олтириқ туманида «Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этдик. Унда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ислохотларга дахлдорлик туйғулари кучайтириш масалаларида фикр алмашиш, аёлларнинг мулоҳазаларини эшитдик. Барча тадбирларимизда умумэтироф этилган илгор сиёсий технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилаёلمиз. Негаки, бу орқали тадбир таъсирчанлиги ортади, фаолиятимизга қизиқиш кучаяди.



Гулчехра АЗИЗОВА, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш шўбаси мудири:

— Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга ошириладигани ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз. «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлуги» доирасида ўтказилаётган тадбирларда аввало, мана шу ишларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли, айнакча, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор бераёلمиз. Қолаверса, учрашувларда аёлларни ўйлантираётган масалалар хусусида фикр алмашиш, муаммолар ечимини бўйича ҳаётий тақлифлар тайёрланаёпти.

Лазиза ШОМИЛОВА

«Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш юксак шараф!»

Эртага Жанубий Кореянинг Инчеон шахрида XVII ёзги Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилади

Спорт

Қитъа олимпиадаси ҳисобланган бу спорт байрамида қирқ беш давлат вакиллари спортнинг 36 тури бўйича жами 439 медаллар шодаси учун кураш олиб боради.

Мустақил Ўзбекистон спортчилари мазкур йirik спорт байрамида 1994 йил Хиросима (Япония)да ўтган XII ёзги Осиё ўйинларидан бошлаб мунтазам катнашиб келмоқда. Ушанда мамлакатимиз спортчилари 11 олтин, 12 кумуш ва 19 бронза медали билан 42 давлат вакиллари ўртасида умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллаган эди.

1998 йили Таиланднинг Бангкок шахридаги XIII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 6 олтин, 23 кумуш ва 15 бронза, тўрт йилдан сўнг Пусан шахрида (Жанубий Корея) ташкил этилган Осиё ўйинларида 15 олтин, 12 кумуш ва 24 бронза медалини кўлга киритишди.

2006 йили Қатар пойтахти Доха шахри мезбонлик қилган XV ёзги Осиё ўйинларида вакилларимиз 11 олтин, 14 тандан кумуш ва бронза медалларини кўлга киритган бўлса, 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шахрида ўтган қитъа ўйинларида 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медалга сазовор бўлганлиги алоҳида таъсирчан бўлади.

Шу йилнинг 19 сентябридан 4 октябрга қадар Инчеон шахри мезбонлик қиладиган XVII ёзги Осиё ўйинларида

291 нафар ҳамюртимиз 32 спорт тури бўйича баҳсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Қитъамиздаги давлатлар ва халқлар ўртасидаги бирдамлик ва тинчликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш мақсадида ташкил этиладиган мазкур нуфузли спорт анжумани ҳар бир давлатнинг юксак спорт салоҳиятини кўрсатадиган ўзига хос кўзгу, десак муболага қилмаймиз.

Инчеонда кечадиган баҳслар янги номларни кашф этиш, голибларни аниқлаш билан биргаликда 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари олдидан Осиё мунтақасидаги спортчиларнинг ўз имкониятларини синовдан ўтказиш ва чамалаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларида тайёрлаш тўғрисида»ги

қарори спортчиларимизнинг Осиё ўйинларида пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиши, тажриба ва маҳорат ошириши, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Ҳадемай, бутун Осиёнинг нигоҳи қаратиладиган Инчеон майдонларида спортчиларимиз юксак марраларни забт этишни кўзлашмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов. — Қитъа олимпиадасида совринли ўринларга давогарлик қиладиган ҳақиқат, эркин ва юнон-грек кураши, оғир атлетика, бокс каби спорт турлари бўйича терма жамоа аъзолари хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида, нуфузли мусобақаларда қатнашиб, тажриба ва маҳорат оширишди. Шунингдек, енгил атлетика, эшак эшиш, футбол каби спорт турлари бўйича ҳам терма жамоамиздан умидимиз катта. Велоспорт, ўқ отиш, теннис бўйича иштирок этадиган спортчиларимиз орасида ҳам юқори натижаларга эришадиган ёшларимиз талайгина.

XVII ёзги Осиё ўйинларида майдонга чиқадиган спортчиларимиз орасида Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари голиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ёш иқтидор эгаларининг ҳам кўплиги Ватанимиз ша-



Уса олган сурат.

рафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар тарбияланаётганидан далolat беради.

— Бу галги мусобақаларда ҳам фақат олтин медал учун курашаман, — дейди велоспорт бўйича Осиё чемпиони Муроджон Холмуродов. — Баҳсларга сўнгги тайёргарлик машғулотларини Чирчик шахри ва Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудларида олиб бордик. Мураббийимиз Владислав Искандаров кўл остида астойдил тер тўқдик. Жамоадoshларим Руслан Каримов, Вадим Шаеховларнинг ҳам қайфиятлари кўтаринки. Мақсадимиз — Осиё майдонларида Ўзбекистон фарзандларининг нималарга қодир эканлигини кўрсатишдир. 2015 йили эса Олимпиада йўлланмаларини берадиган мусобақаларда катнашишни режалаштиряпмиз. Рио-де-Жанейро олимпиадасига йўлланмаларни кўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтарамиз, деган умиддамиз.

XVII ёзги Осиё ўйинларининг ўзига хослиги, рами ва тимсоллари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. XVII ёзги Осиё ўйинларининг шиори «Хилма-хиллик шу ерда янада раванак топади». Бу, ўз навбатида, қитъа аҳолисининг тарихи, маданияти, қадрият ва анъаналари «Инчеон-2014» ўйинларида янада раванак топишига ишорадир.

Мусобақалар тимсоли сифатида ака-сингил Вичюн (умид ва ёруғлик рамзи), Бараме (эзгу хабар ва шамол рамзи) ҳамда кичик сингил Чумуро (қувноқлик, рақс рамзи) танланган бўлиб, улар Инчеон шахридаги Бекрион оролида яшовчи сув жониворларидир.

Голиб ва совриндорларга тақдим этиладиган медаллар думалоқ шаклда тайёрланган бўлиб, унинг ичида акс этирилган беш бурчак Инчеон шахрининг бешта порти рами сифатида келтирилган.

XVII ёзги Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими «Осиёнинг ёруғ келажagini қарши олинг!» шиори остида ташкил этилади. Ёпилиш маросимининг шиори «Инчеондаги эзгу хотираларимиз» деб номланган.

Бир сўз билан айтганда, бутун Осиё ён беш кун давоми-

да чинакам катта спорт байрами оғушида яшайди.

Кеча Ўзбекистон спорт делегацияси Инчеонга жўнаб кетди. XVII ёзги Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Давлатимиз байроғини дэзодо бўйича Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Ришод Собиров стадион узра кўтариб ўтади.

— Осиё ўйинларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш биз, спортчилар учун юксак шарафдир, — дейди Ришод Собиров. — Чунки ўз тақдирини Ватан тақдирини муштарак кўриш — шу юртининг ҳар бир фарзанди учун катта бахт. Биз қитъа олимпиадасига катта орзулар билан йўл оляпмиз. Мақсадимиз унда Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашдир. Инчеон майдонида, албатта, фақат голибликни кўзлаб майдонга тушамиз. Бунинг учун кучимиз ҳам, маҳоратимиз ҳам этади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Мамлакатимиз «чарм кўлқоп» усталари эришадиган ютуқлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Куни кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиби ёзги Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Инчеонга йўл олди.

Боксчиларимиз галабалари

Яна бир гуруҳ боксчиларимиз эса нуфузли мусобақалардан юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди. Жумладан, Якутск (Россия)да таллабалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида уч нафар боксчимиз голиб ва совриндорлар сифидан ўрин эгаллади.

Дунёнинг ўн тўрт мамлакатидан 130 нафар спортчи катнашган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртимиз Шахрам Гиёсов (64 кг) жаҳон чемпиони, деб топилди. Мирзобек Ҳасанов (91 кг) кумуш, Улуғбек Ҳақбердиев (75 кг) бронза медалига сазовор бўлди.



Махачкаля (Россия)да Магомед-Салам Умахонов хотирасига бадишлаб ўтказилган халқаро турнирда ҳам уч нафар вақилимиз кучлилар қаторидан жой олди.

Унда истеъдодли боксчимиз Камол Мелиев (49 кг) ҳамда Шухрат Абдуллаев (75 кг)лар бош соврин билан тақдирланган бўлса, Муслимбек Олимов (69 кг) шохушнинг фахрли учинчи погонасига кўтарилди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.



Термиз — кўркам шаҳар

Мустақиллик имкониятлари

Кун сайин янгича қиёфа ва ўзгача фусункорлик касб этаётган Термиз юртимизнинг бетакрор масканларидан бири ҳисобланади. Президентимиз раҳнамолигида Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарни обод ва кўркам гўшага айлантириш, аҳоли учун муносиб шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, энг улғу, энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан Термиз шаҳрининг «Амир Темур» ордени билан мукофотлангани сурхондариликлар янада тўлқинлантириб юборди.

— Термиз жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрин тутадиган макон, —

дейди тарих фанлари номзоди, «Дўстлик» ордени соҳиби, ЎзХДП фаоли Исмоил Ботиров. — 2500 йиллик тарихга эга шаҳар кўплаб воқеаларни гувоҳи бўлган.

Янги замон шарофати билан воҳанинг бош шаҳри қайта дунёга келди, янгилади, яшнади. Ҳозир бу ерда 50 дан ортиқ улкан санаткорхонаси, 200 га яқин сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, «Nova pharm» Ўзбекистон — Хиндистон, «Shindong Spinning Termiz» Ўзбекистон — Жанубий Корея, «Inter Silk Pro» Ўзбекистон — Хитой, «Гранд-шифер» Ўзбекистон — Буюк Британия каби қўшма корхоналар маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз балки хорижда ҳам ўз ўрнини топган. Термиз давлат университетининг янги биноси, бетакрор Бахт уйи, Марказий Осиёда ягона Археология музейи, ўн минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, замонавий таълим муассасалари шаҳар кўрмига кўрк қўшмоқда.

— Қисқа даврда Термиз шаҳри-

да 39 та кўпқаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилган бўлса, 400 хонадонга мўлжалланган 14 та уй қурилиши изчилик билан давом этилмоқда, — дейди ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Чори Жумакулов. — Бундан ташқари, «Соғлом бола йили» муносабати билан «Ёшлар маркази» ва 3,26 гектар майдонга «Камолот» ёшлар шаҳарчаси бунёд этишга киришилгани хайрли ишларнинг давоми бўлди.

Термиз халқаро аэропортидан Ҳайратон кўпригигача бўлган 20 километрдан ортиқ йўл кенгайтирилиб, «Термиз-Тошкент» катта магистрალი барпо этилмоқда. «Осиё тараққиёт банки» ҳамкорлигида лойиҳа қиймати 9200,0 долларни ташкил этадиган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини реконструкция қилиш юмушлари бошланган. Бир сўз билан айтганда шаҳарда ҳар дам, ҳар куни янги бунёдкорликларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

КЎЙИДАГИ ИНШОТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Наманган вилояти, Янгиқўрғон туман, Шарқ Юлдузи ҚФЙ, «Барақа» МФЙ учун насос станцияси билан сув тармоғи ва тоза сув тақсимлаш резервуари қурилиши.

Буюртмачининг бошланғич қиймати: ҚҚС билан 1 886 280 142 сўм. ҚҚСсиз 1 571 900 118 сўм.

Буюртмачи белгиланган ишларни тугатиш муддати — 240 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Тел: (8-369) 233-53-78, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш: Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотларга қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрга киритилган пудратчи ташкилотларга рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридеги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий маълумотга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вако-

латларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат тақлифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер тақлифлари қатнашчиларнинг тендер тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел/факс: (8-369) 227-94-30, 227-91-47 муржаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

OB-ҲАВО	18-19.09 — 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+13 / +18	+18 / +23
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+25 / +30
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+11 / +16	+28 / +33
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+15 / +20	+30 / +35
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+28 / +33
Тошкент шаҳри	
+14 / +16	+28 / +30
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+26 / +26
Париж	+27 / +26
Москва	+16 / +18
Мадрид	+24 / +23
Пекин	+26 / +25
Канберра	+14 / +17
Рим	+29 / +31
Афина	+27 / +28
Токио	+26 / +25
Стокгольм	+20 / +21
Кейптаун	+16 / +17
Қоҳира	+32 / +31

Газетанинг навбатдаги сони 23 сентябрь, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11425
nuxxada bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

